

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлигида  
2016 йил 3 февралда 2758-сон  
билан рўйхатга олинган  
Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2016 йил 16 январдаги  
1/10-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан  
касб-хунар коллежлари битирувчиларига  
микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Муқаддима

- 1-боб. Умумий қоидалар
- 2-боб. Микрокредит бериш бўйича буюртма бериш ва микрокредитни расмийлаштириш
- 3-боб. Микрокредитларни бериш ва сўндириш
- 4-боб. Мониторинг қилиш
- 5-боб. Яқуний қоида

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Микромолиялаш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги ПФ-4232-сон "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармониға мувофиқ, тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларига миллий валютада микрокредит бериш тартибини белгилайди.

**1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун давлат рўйхатидан ўтган ёки юридик шахс устав фондида (устав капиталида) 50 фоиз ёки ундан ортиқ акцияға (улушға) эға бўлган Ўзбекистон Республикаси касб-хунар коллежларида ўқишни яқунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган битирувчилар кредитлаш субъектлари (бундан буён матнда қарз олувчи деб юритилади) ҳисобланади.

2. "Микрокредитбанк" АТБ ҳамда давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

3. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун микрокредитлар банклар томонидан тўловлилик, муддатлилик ҳамда пул маблағларини муайян мақсадда ишлатиш ва қайтариш шартлари асосида берилади.

#### 4. Микрокредит:

юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган қарз олувчиларга - энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача;

юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритаётган қарз олувчиларга - энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваригача миқдорда қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади.

5. Микрокредит қарз олувчига кредит ажратилаётган лойиҳанинг ўзини-ўзи қоплаши ҳисобга олинган ҳолда:

фаолиятни бошлаш учун айланма маблағларни шакллантиришга, инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқишга - 12 ой муддатгача;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни ташкил этиш учун айланма маблағларини тўлдиришга, шунингдек асбоб-ускуналарни сотиб олишга - 2 йил муддатгача;

инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун - 3 йилдан ортиқ муддатга берилади.

#### 6. Микрокредитлар қарз олувчиларга қуйидаги мақсадлар учун берилади:

уруғликлар, минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини сотиб олиш, чорвачилик, қуён боқиш, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича кўрсатиладиган техник хизматлар учун тўловларни амалга ошириш;

енгил конструкцияли ва муқобил ёқилғи манбалари ҳисобига ишлайдиган иссиқхоналарни қуриш, мева-сабзавотчиликда ишлатиладиган қишлоқ хўжалик техникалари ва механизмларини сотиб олиш;

бевосита ишлаб чиқариш соҳаси - маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хом ашё ва материалларни тубдан қайта ишлаш, ҳунармандчиликни ривожлантириш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш ва қуриш;

хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш - аҳолига маиший, тиббий, сайёҳлик-экскурсия ва меҳмонхона хизмати кўрсатиш, автомобиллар ва бошқа техникаларни таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатиш, транспорт хизмати кўрсатишни ривожлантириш;

янги боғ ва тоқзорларни барпо этиш, илғор замонавий технологияларни, шу жумладан томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш.

Микрокредитлар мазкур банднинг иккинчи - бешинчи хатбошиларида кўрсатилган мақсадлар учун 6 ойлик, олтинчи хатбошида кўрсатилган мақсадлар учун 12 ойлик имтиёзли давр билан берилади.

7. Микрокредит бўйича имтиёзли давр муддати шартномага асосан узайтирилиши мумкин.

8. Микрокредитлар мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатилмаган мақсадлар учун берилмайди.

9. Микрокредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси даражасидан юқори бўлмаган миқдорда, банкнинг имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан микрокредит ажратилган тақдирда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдорида белгиланади.

Микрокредитлар бўйича фоиз ставкаси миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгаришига қараб ўзгариши мумкин. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси оширилган тақдирда шартномада кўрсатилган фоиз ставкаси ўзгаришсиз қолдирилади.

10. Имтиёзли давр ўрнатилган ҳолда берилган микрокредит бўйича асосий қарзни тўлаш имтиёзли давр тугагандан кейинги ойдан бошланади. Имтиёзли даврда микрокредит бўйича фақат фоизлар ҳисобланади ва тўланади.

11. Зарар кўриб ишлаётган, ноликвид балансга эга бўлган қарз олувчиларга микрокредит берилмайди, илгари берилган микрокредитни эса, белгиланган тартибда муддатидан олдин ундириб олиш чоралари кўрилади.

## 2-БОБ. МИКРОКРЕДИТ БЕРИШ БЎЙИЧА БУЮРТМА БЕРИШ ВА МИКРОКРЕДИТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

12. Қарз олувчилар микрокредит олиш учун банкка буюртма тақдим этади. Буюртмада "Микромолиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасида кўрсатилган талабларга мувофиқ расмийлаштирилиши лозим.

13. Буюртмага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

қарз олувчининг банк ҳисобварағига пул тушумлари (пул оқими) прогнози кўрсатилган бизнес-режа;

қарз олувчининг тегишли давлат солиқ инспекциясига тақдим қилган охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл), 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл), янги ташкил этилган юридик шахслар ҳамда яққа тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари бундан мустасно;

қарз олувчига тегишли касб-ҳунар коллежи дипломининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

тегишли кредит таъминоти турларидан бири.

14. Қарз олувчилар буюртмани ахборот тизими орқали электрон шаклда беришлари мумкин.

15. Қарз олувчи томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида қуйидаги кредит таъминоти турларидан бири тақдим этилади:

мол-мулк ва қимматли қоғозлар гарови;

банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати;

учинчи шахс кафиллиги;

қарз олувчи томонидан олинган микрокредитни қайтармаслик хатарининг банк фойдасига суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси;

таъминотнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа турлари.

16. Микрокредит ҳисобига сотиб олинган мулк ўз қийматининг 80 фоизи миқдорида мазкур микрокредит бўйича гаров предмети бўлиб хизмат қилиши мумкин.

17. Банк буюртмани олганидан сўнг уч иш куни ичида уни кўриб чиқиши ва микрокредит бериш ёки микрокредит беришни асослантирилган ҳолда рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

18. Буюртма банк томонидан кўриб чиқиладиганда қуйидагиларнинг таҳлили амалга оширилади:

буюртма берувчининг (қарз олувчининг) даромадлари етарлилигини аниқлаш;

буюртмада баён этилган маълумотларнинг бир-бирига зид бўлмаслиги;

банк олдидаги мажбуриятларни буюртма берувчи (қарз олувчи) томонидан ўз вақтида бажариш имкониятининг мавжудлиги.

Микрокредит бериш асослантирилган ҳолда рад этилган тақдирда, банк буюртма берувчига (қарз олувчига) бу ҳақда ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

19. Буюртмани кўриб чиқиш натижаларига кўра микрокредит бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, банк ва қарз олувчи ўртасида ёзма шаклда шартнома тузилади ҳамда қарз олувчи томонидан тақдим этиладиган кредит таъминоти тури қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

20. Банк ва қарз олувчи ўртасида тузиладиган шартнома "Микромолиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига мувофиқ расмийлаштирилиши лозим.

### 3-БОБ. МИКРОКРЕДИТЛАРНИ БЕРИШ ВА СЎНДИРИШ

21. Шартнома тузилгандан ҳамда кредитнинг таъминоти расмийлаштирилгандан сўнг, қарз олувчига банк томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ссуда ҳисобварағи очилади.

22. Микрокредит қарз олувчига нақд пулсиз шаклда пул ўтказиш йўли билан берилади.

23. Қарз олувчиларга ажратилган микрокредит "Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси"нинг (рўйхат рақами 773-17, 2004 йил 13 август) мос баланс ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

24. Микрокредитни сўндириш муддатлари жадвал кўринишида шартномага илова қилинади.

25. Қарз олувчининг микрокредит бўйича ҳисобланган фоизлар ва кредит қолдиғини тўлаш учун маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, қарздорлик Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) белгиланган тартибда ундирилади. Бунда дастлаб кредит бўйича ҳисобланган фоизлар, сўнгра кредит бўйича асосий қарз сўндирилади.

#### 4-БОБ. МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ

26. Банклар микрокредитдан фойдаланишнинг муддати давомида доимий мониторинг ўтказиши керак. Мониторинг қарз олувчининг шартнома шартларини бажариши учун ёрдам кўрсатишга йўналтирилиши керак.

27. Мониторинг ўтказиш жараёнида қарз олувчининг молиявий-хўжалик фаолияти, тузилган шартнома бўйича ўз мажбуриятларининг бажараётганлиги, ишлаб чиқариш ҳажми, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишлари, фойдаси, айланма маблағлари динамикаси ҳамда товар-моддий бойликлар захираси ва бошқа муҳим ҳолатлар таҳлил қилиб борилади.

28. Мониторинг давомида қарз олувчининг фаолияти билан боғлиқ барча ижобий ва салбий ҳолатлар, шунингдек гаров таъминотининг ҳолати қарз олувчи учун банкда очилган махсус жилда тизимлаштириб борилади.

29. Қурилишни молиялаш учун берилган микрокредитлар бўйича амалга ошириладиган мониторинг жараёнида банк томонидан шартномада белгиланган муддатлар ва шартларда бажарилган ишлар ҳажми ва бошқа муҳим масалалар ўрганилади.

30. Микрокредитдан белгиланган мақсадларда фойдаланмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда, банк қарз олувчига келгусида кредит беришни рад этишга ёки кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин қайтариб олишга ҳамда шартномада белгиланган шартлар асосида жарима белгилашга ҳақлидир.

31. Қарз олувчи микрокредит бўйича асосий қарзи ва унга ҳисобланган фоизларни шартнома асосида тўлашдан ёки гаров шартномаси шартлари асосида гаров мулкни банк тасарруфига беришдан бош тортган ҳолларда, банк томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган чоралар кўрилади.

32. Қарз олувчининг гаров таъминоти микрокредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизларни қайтаришга етмаган тақдирда, банк мазкур қарз бўйича ундирувни Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 422-сонли қарори билан тасдиқланган Банкларни кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартибига мувофиқ қарз олувчининг ликвидли мол-мулки қаратиши мумкин.

#### 5-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДА

33. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлигида  
2013 йил 27 декабрда 2546-сон  
билан рўйхатга олинган  
Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2013 йил 23 ноябрдаги  
22/9-сонли қарорига  
ИЛОВА

## Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низомга АВ 30.04.2014 й. 2546-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

Муқаддима

I боб. Умумий қоидалар

II боб. Кредитларни расмийлаштириш

III боб. Кредитлаш ва кредитни сўндириш

IV боб. Яқуний қоида

1-илова. Аризаларни рўйхатга олиш китоби

2-илова. Маълумотнома

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда), "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон, 188-модда) ва "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон, 201-модда) қонунларига мувофиқ, кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартибини белгилайди.

### I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда оилавий корхоналар (бундан буён матнда қарз олувчилар деб юритилади) кредитлаш объектлари ҳисобланади.

2. Кредитлар қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида берилади.

3. Кредитлар тижорат банки ва қарз олувчи ўртасида тузилган кредит шартномасига мувофиқ берилади.

4. Кредитлар кредитланаётган тадбирнинг ўзини-ўзи қоплашини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги муддатларга берилади:

қарз олувчи ўз фаолиятини бошлаши учун айланма маблағларни шакллантириш ва инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқишга - 12 ой муддатгача;

айланма маблағларни тўлдиришга - 18 ой муддатгача;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ташкил этиш учун айланма маблағларни тўлдиришга - 24 ой муддатгача.

5. Тижорат банклари кредитлар бўйича кредитлашнинг имтиёзли даврини белгилашлари мумкин.

6. Кредитлар қонун ҳужжатларида тақиқланган фаолият турларини амалга ошириш учун ажратилиши мумкин эмас.

7. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун кредитлар бериш Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1675, 2007 йил 14 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 16-сон, 168-модда) мувофиқ амалга оширилади.

8. Кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори кредит шартномасига мувофиқ белгиланади.

9. Кредитлар илгари олинган кредитларни ёки тижорат банкининг "Кредит сиёсати"да белгиланган бошқа қарзларни қайтариш учун берилиши мумкин эмас.

10. Қарз олувчи олинган кредит суммасини муддатидан илгари қайтаришга ва улардан ҳақиқатда фойдаланилган муддат учун ҳисобланган фоизларни тўлашга ҳақли.

## II БОБ. КРЕДИТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

11. Қарз олувчи кредит олиш учун хизмат кўрсатувчи тижорат банкига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ариза;

қарз олувчининг банк ҳисобварағига пул тушумлари (пул оқими) прогнози кўрсатилган бизнес-режа;

қарз олувчининг тақдим қилган тегишли давлат солиқ инспекциясига охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл), 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл), янги ташкил этилган юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари бундан мустасно;(АВ 30.04.2014 й. 2546-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

мазкур Низомнинг 19-бандида назарда тутилган кредит таъминоти турларидан бири.

12. Қарз олувчилар кредит олиш бўйича аризаларни электрон тизим орқали тақдим этиши мумкин.

13. Тижорат банклари қарз олувчиларга кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқига эга.

14. Қарз олувчи бўйича Кредит ахборотининг давлат реестри ва кредит бюроларига тақдим этилаётган кредит ахбороти маълумотлари тижорат банкининг кредит йиғмажилдидаги кредит ахборотига мос бўлиши лозим.

15. Қарз олувчи томонидан зарур ҳужжатлар тақдим қилингандан сўнг, унинг аризаси мазкур Низомнинг 1-иловасида назарда тутилган шаклдаги "Аризаларни рўйхатга олиш китоби"га қайд қилиниши ҳамда бир вақтнинг ўзида қарз олувчига ариза тижорат банки томонидан қабул қилинганлиги тўғрисида мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда "Маълумотнома" берилиши лозим. Бунда "Маълумотнома"нинг биринчи қисми тижорат банкида қолдирилади, иккинчи қисми эса, қарз олувчига тақдим этилади. Қарз олувчи "Маълумотнома"нинг биринчи қисмини уни олганлиги тўғрисидаги санани кўрсатган ҳолда имзолайди, ариза электрон тизим орқали қабул қилинган ҳоллар бундан мустасно.

16. "Маълумотнома"лар тушунарли, тўғри ва аниқ кўринадиган ҳолда тўлдирилиши лозим. "Маълумотнома"даги ёзувларни қисқартиришга йўл қўйилмайди.

17. Қарз олувчиларнинг кредит олиш бўйича электрон тизим орқали қабул қилинган аризалари ҳам "Аризаларни рўйхатга олиш китоби"га қайд қилинади ва аризага "Электрон қабул қилинди" деган белги қўйилади. Бир вақтнинг ўзида қарз олувчига ариза тижорат банки томонидан электрон тизим орқали қабул қилинганлиги тўғрисида электрон шаклда "Маълумотнома" юборилади ҳамда тижорат банкида қолган "Маълумотнома"га унинг электрон шаклда юборилганлиги тўғрисида ёзув киритилади ва сана кўрсатилган ҳолда имзоланади.

18. "Аризаларни рўйхатга олиш китоби" ва "Маълумотнома" рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва Бош банк Раисининг кредитлаш масалалари бўйича ўринбосари ёки ушбу масала бўйича масъул шахснинг имзоси ҳамда Бош банкнинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

19. Қарз олувчи томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида қуйидаги таъминот турларидан бири тақдим этилади:

мол-мулк ва қимматли қоғозлар гарови;

тижорат банки ёки суғурта компаниясининг кафолати;

учинчи шахс кафиллиги;

қарз олувчи томонидан олинган кредитни қайтармаслик хатарининг тижорат банки фойдасига суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси;

таъминотнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа турлари.

20. Тижорат банклари ўзлари билан доимий равишда алоқага эга, банк ҳисобварағида мунтазам пул оқими мавжуд, яхши обрў ва кредит тарихига эга бўлган қарз олувчиларга мазкур Низомнинг 19-бандида назарда тутилган таъминот турларидан бирини талаб қилмай бланкли (ишончли) кредит бериш ҳуқуқига эга.

21. "Гаров тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 96-модда) 5-



моддасига мувофиқ, ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан, ашёлар ва мулкый ҳуқуқлар (талаблар) гаров нарсаси бўлиши мумкин, муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талаблар, хусусан ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар тўғрисидаги талаблар ҳамда бошқа шахсга берилиши қонун билан ман этилган бошқа талаблар бундан мустасно.

22. Кредит ҳисобига сотиб олинган мулк ушбу кредит бўйича ўз қийматининг 80 фоизи миқдорида гаров нарсаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Банклар қарз олувчилар томонидан кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида тақдим қилинган мол-мулкни унинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда кредитнинг қайтарилган қисмига нисбатан гаровдан чиқариш ҳуқуқига эга. (АВ 30.04.2014 й. 2546-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

23. Кредит бўйича тақдим этилаётган кафолат кафилнинг ёзма мажбурияти шаклида расмийлаштирилади.

24. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова) 292-моддасига мувофиқ, кафиллик шартномаси ёзма шаклда тузилиши керак.

25. Кредит йиғмажилдини таҳлил қилиш пайтида тижорат банки томонидан кредит шартномасининг турли жиҳатлари, қарз олувчининг кредит тарихи, унинг раҳбари обрўси (аввалги ишлаган жойлари, илгари олинган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилганлиги ва бошқалар) баҳоланади.

26. Қарз олувчининг аризаси келиб тушган кундан бошлаб, тижорат банкининг кредит қўмитаси томонидан ушбу ариза бўйича асослантирилган ҳолда қарор қабул қилиш муддати уч иш кунидан ошмаслиги лозим.

27. Кредит бериш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинганда, қарз олувчи ва тижорат банки ўртасида кредит шартномаси тузилади.

28. Кредит шартномаси тузилгандан сўнг, кейинги кундан кечиктирмай тижорат банки раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан кредитнинг муддати, миқдори ва фоиз ставкаси кўрсатилган ҳолда кредит ҳисобварағи очиш тўғрисида бухгалтерияга фармойиш берилади ва ушбу фармойишга асосан кредит ҳисобварағи очилади.

### III БОБ. КРЕДИТЛАШ ВА КРЕДИТНИ СЎНДИРИШ

29. Кредитлар қарз олувчига алоҳида кредит ҳисобварағи очиш ва унинг тўлов топшириқномаларига мувофиқ, ушбу ҳисобварақдан нақд пулсиз шаклда пул ўтказиш йўли билан берилади. (АВ 30.04.2014 й. 2546-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд)

30. Қарз олувчига ажратилган кредитлар Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасининг (рўйхат рақами 773-17, 2004

йил 13 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 32-сон, 369-модда) тегишли баланс ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

31. Алоҳида кредит ҳисобварақлари бўйича берилган кредитлар муддатли мажбуриятлар билан расмийлаштирилади, улар тўлиқ сўндирилгунга қадар 91901 - "Қарздорларнинг қисқа муддатли кредитлар бўйича мажбуриятлари" ҳамда 91905 - "Қарздорларнинг узоқ муддатли кредитлар ва лизинглар бўйича мажбуриятлари" баланс ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

Кредит бўйича гаров таъминоти сифатида қабул қилинган қимматли қоғозлар 94501 - "Гаров сифатида олинган қимматли қоғозлар", мулклар ва мулкый талаблар 94502 - "Гаров сифатида олинган мулклар ва мулкый ҳуқуқлар (талаблар)", кафолат ва кафилликлар эса, 94503 - "Гаров сифатида олинган кафолат ва кафилликлар" баланс ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

32. Кредит бўйича сўндириш муддатлари жадвал кўринишида тақдим этилиши мумкин. Бунда мазкур жадвал сўндириш пул оқимлари истиқболдан келиб чиқиб тузилиши лозим.

33. Қарз олувчининг кредит бўйича ҳисобланган фоизлар ва кредит қолдиғини ундириш учун маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, қарздорлик Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 11-сон, 127-модда) белгиланган тартибда ундирилади. Бунда дастлаб кредит бўйича ҳисобланган фоизлар, сўнгра кредит бўйича асосий қарз сўндирилади.

34. Тижорат банклари кредитдан фойдаланишнинг муддати давомида доимий мониторинг ўтказилади. Мониторинг қарз олувчининг аризаси ва кредит шартномаси шартларини бажариш учун ёрдам кўрсатишга йўналтирилиши керак.

35. Мониторинг ўтказиш жараёнида қарз олувчининг молиявий-хўжалик фаолияти, тузган шартномалари (буюртмалар) бўйича мажбуриятларининг бажарилаётганлиги, ишлаб чиқариш ҳажми, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишлари, фойдаси, айланма маблағлари айланмаси ва динамикаси ҳамда товар-моддий бойликлар захираси ҳолати таҳлил қилиб борилади.

36. Мониторинг давомида қарз олувчининг фаолияти билан боғлиқ барча ижобий ва салбий ҳолатлар, шунингдек тақдим этилган гаров таъминотининг ҳолати қарз олувчи учун тижорат банкида очилган махсус жилдда тизимлаштириб борилади.

37. Қурилишни молиялаш учун берилган кредитлар бўйича амалга ошириладиган мониторинг жараёнида тижорат банки кредит шартномасида белгиланган муддатлар ва шартларда кредит ажратилган объектда бажарилган ишлар ҳажмининг назоратини амалга оширади.

38. Кредитдан белгиланмаган мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, тижорат банки қарздорга келгусида кредит беришни рад этишга ёки кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин қайтариб олишга ҳамда шартномада белгиланган шартлар асосида жарима белгилашга ҳақлидир.



| МАЪЛУМОТНОМА _____-сон  | МАЪЛУМОТНОМА _____-сон  |
|---|---|
| <p>_____</p> <p>(тижорат банкининг номи) (филиалнинг номи)<br/>201__ йил " __ " _____ да<br/>_____ нинг<br/>(кичик тадбиркорлик субъектининг номи)</p> <p>кредит олиш бўйича аризаси "Аризаларни рўйхатга олиш китоби"да 201__ йил " __ " _____ да _____-сон билан рўйхатга олинди ва кўриб чиқиш учун қабул қилинди.</p> | <p>_____</p> <p>(тижорат банкининг номи) (филиалнинг номи)<br/>201__ йил " __ " _____ да<br/>_____ нинг<br/>(кичик тадбиркорлик субъектининг номи)</p> <p>кредит олиш бўйича аризаси "Аризаларни рўйхатга олиш китоби"да 201__ йил " __ " _____ да _____-сон билан рўйхатга олинди ва кўриб чиқиш учун қабул қилинди.</p> |
| <p>_____</p> <p>(кредит мақсади ва суммаси)</p>   | <p>_____</p> <p>(кредит мақсади ва суммаси)</p>   |
| <p>_____</p> <p>(кредит мақсади ва суммаси)</p> <p>Аризага илова қилинган ҳужжатлар рўйхати:</p> <p>1. _____</p> <p>_____</p> <p>2. _____</p> <p>_____</p> <p>3. _____</p> <p>_____</p> <p>4. _____</p> <p>_____</p> <p>_____</p>   | <p>_____</p> <p>(кредит мақсади ва суммаси)</p> <p>Аризага илова қилинган ҳужжатлар рўйхати:</p> <p>1. _____</p> <p>_____</p> <p>2. _____</p> <p>_____</p> <p>3. _____</p> <p>_____</p> <p>4. _____</p> <p>_____</p> <p>_____</p>   |
| <p>(масъул ходимнинг Ф.И.О) _____ (имзо) _____ (сана)</p> <p>Маълумотномани олдим: _____</p> <p>_____ (имзо) (кичик тадбиркорлик субъектининг номи)</p> <p>Сана: 201__ йил " __ " _____.</p>  | <p>(масъул ходимнинг Ф.И.О) _____ (имзо) _____ (сана)</p> <p>Маълумотномани олдим: _____</p> <p>_____ (имзо) (кичик тадбиркорлик субъектининг номи)</p> <p>Сана: 201__ йил " __ " _____.</p>  |

**Тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларига  
микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низом (2758-сон 03.02.2016)**

| Кредитлаш субъектлари  | Кредитлаш шартлари   | Кредит миқдори минимал иш ҳақининг         | Кредит мақсади   | Кредит муддати   | Фоиизи                                       | Тақдим этиладиган ҳужжатлар   |
|--|--|--|--|--|--|---|
| юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган тадбиркорлар (Якка тартибдаги тадбиркор, Хусусий тадбиркор, Оилавий тадбиркор)                                     | Ўзбекистон Республикаси касб-хунар коллежларида ўқишни якунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган битирувчилар | 200 баравари                               | фаолиятни бошлаш учун айланма маблағларни шакллантиришга, инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқишга | 12 ой  | Қайта молиялаш ставкаси и миқдорида (9 фоиз) | Ариза,<br>Бизнес режа,<br>Бухгалтерия баланси,<br>Коллеж дипломининг нотариал тасдиқланган нусхаси,<br>кредит таъминоти |
| Устав фондида 50 фоиз ёки ундан ортиқ акцияга эга бўлган юридик шахс (масъулияти чекланган жамият, хусусий корхона, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, оилавий корхона) |  |  | 300 баравари   | қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни ташкил этиш учун айланма маблағларини тўлдиришга, шунингдек асбоб-ускуналарни сотиб олишга |  |   |
|  |  | инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун |  | 3 йилдан ортиқ   |  |   |